

2006 I - XII
7-12



Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

Хабар

1
(694)-son

6-yanvar

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Мухтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шухўхли дақиқаларда барчангизни янги — 2006 йил билан қизгин муборакбод эътибор ва сизларга қалбимдаги эзгу тилақларимни, самимий меҳр ва хурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз яқинига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр ҳаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши мумкин.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари — юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодийликни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислохотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгаллик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига рағбат йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли турар жойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожига, авваламбор иқтисодийликнинг барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг қўламада кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда — мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги

ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқас, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик ва галлчилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, яқинига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Қундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Евуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва тўхматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсиним, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадри дўстлар!
Кириб келаётган янги йилда биз истиклолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар ҳаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саҳийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок тўғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, мил-

лати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжихатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустақамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетига белгиланган қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инobatга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг қундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шартини таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Мухтарам юртдошларим!
Мана шу қувончли лаҳзаларда бекатдор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта ўрзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу баракка аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Бу сонда:

ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

3
Кейинги йилларда почта алоқаси соҳасида қўшимча хизмат турларининг аҳамияти ошиб бормоқда.

ИНТИЛГАН МУРОДИГА ЕТАДИ

5
Одатдаги иш кунларининг бирида тахририятимизга бир отахон кириб келди.

ТВ-ДАСТУРЛАР



7-10
Мухтарам юртдошларим!

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

12
Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳар доим долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

Янги йилда янги йилда янги йилда

Ҳаёт чархпалаги айланиб, 2006 йил ҳам кириб келди.

Яхши бир одатимиз бор — янги йилни янги режалар билан қутиб оламиз. Умуман, ҳар бир кунни, ҳар бир ойу чоракликни, йилни, ҳуллас ўтаётган умрни ҳисоб-китоб қиламиз, келажақ учун маълум бир мақсадни олдимишга қўямиз.

Доминий ва қадрон ўқувчиларимиз яхши билишадикки, ҳар йили бирор янгиликка қўл уриш газетамиз учун анъанага айланган. Ушбу оdatни бу йилда ҳам четлаб ўтмадик. Кўриб турганингиздек, қўлингиздаги 2006 йилнинг илк сони — янгича кўринишда. Аввалги йилгисидан унинг фарқи қанчалик эканлигини пайкаш қийин эмас, албатта.

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси жадал ривожланмоқда. Газетамиз шу соҳанинг наشري бўлганлиги учун ҳам биз ижодий ходимлар олдига катта масъулият туради. Сабаби — бундай ўзгаришларни ўз вақтида кенг оммага етказиб туришимиз лозим. Бунинг учун эса газетамиз ҳам соҳа каби ривожланиб, тақомиллашиб бормоқи зарур. Бунга, энг аввало, Сиз — азиз муштарийларимиз ёрдами орқали эришмоқдамиз. Таклиф ва мулоҳазаларингизни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ўқувчиларимиз сафини янада кенгайтириш мақсадида газетамизни 16 саҳифада чоп этишни бошладик. Агар эътибор берган бўлсангиз, унинг мавзулар доираси анча кенгайган. Эндиликда газетамизни нафақат алоқачилар, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам иштиёқ билан ўқишлари учун асослар бор. Уни оилангизга, фарзандларингиз ва дўсту биродарларингизга тавсия этишингиз мумкин.

Албатта, аввало асосий эъти-

бор соҳага оид мавзуларга қаратилади. Вилоятларда алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг қай даражада ривожланганлиги, унинг ютуқ ва муаммоларига кенгрок ўрин бериш режалаштирилган. Ёшларимизнинг соҳага қизиқишини янада орттириш ва ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан хабардор қилиб бориш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини биз унчун жуда ҳам зарур ва қимматлидир.

Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги Интернет ва электрон почтадан фойдаланишади. Газетамизнинг Интернетда ўз Web-сайтига эга эканлигини ҳам улар яхши билишади. Яқин кунларда ана шу Web-сайтимизни тубдан янгилаштириш режалаштирганмиз. Яна бир янгилик: газетамизнинг ҳар бир мушбири ўзининг электрон почтасига эга ва шу йилдан бошлаб улар томонидан ёзилган мақолалар остида ушбу почта манзили бериб борилади. Бу ўқувчиларимиз учун ҳар бир мақола юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини шахсан муаллифнинг ўзига йўллаш имконини беради.

Хуллас, яхши ният ва истаклашди билан янги йилни қарши олдик. Олдимишда эса режаларимиз кўп. Тилагимиз — янги йил барчага бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик олиб келсин. Эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин, азиз муштарийлар!

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ахборот-коммуникация техноло-

гиялари тобора ривожланиб бормоқда. Матбуот, телевидение, радиодан ташқари, Интернет ҳам ахборот олишининг қулай манбаига айланди. Демак, ўқувчилар сафини кенгайтириш учун кураш янада жиддий тус олади. Бу рақобат қайсидир маънода бизнинг фаолиятимизни белгилаб беради. Рақобат бор жойда ҳаракат тўхтамайди. Шунинг учун бошлаган ҳар бир ишимиз, ҳар бир янгиликимиз келгуси режаларимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Таҳририят жамоаси, жамоатчи мушбирлари ва фаол муаллифлари ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайдилар. Бунинг учун Сиз — муштарийларнинг кўмагига ҳам таянамиз. Фикр-мулоҳазаларингиз биз учун жуда ҳам зарур ва қимматлидир.

Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги Интернет ва электрон почтадан фойдаланишади. Газетамизнинг Интернетда ўз Web-сайтига эга эканлигини ҳам улар яхши билишади. Яқин кунларда ана шу Web-сайтимизни тубдан янгилаштириш режалаштирганмиз. Яна бир янгилик: газетамизнинг ҳар бир мушбири ўзининг электрон почтасига эга ва шу йилдан бошлаб улар томонидан ёзилган мақолалар остида ушбу почта манзили бериб борилади. Бу ўқувчиларимиз учун ҳар бир мақола юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини шахсан муаллифнинг ўзига йўллаш имконини беради.

Хуллас, яхши ният ва истаклашди билан янги йилни қарши олдик. Олдимишда эса режаларимиз кўп. Тилагимиз — янги йил барчага бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик олиб келсин. Эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин, азиз муштарийлар!

ТАХРИРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, идора, компания, уюшма ва ташиқлотлар раҳбарлари иштирок этди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Йиғилишда 2005 йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг жорий йил режаси ва 2006 йилги режа лойиҳаси муҳокама қилинди, 2005 йилнинг 16-18 ноябр кунлари Тунида бўлиб ўтган Ахборот ҳамжамияти бўйича жаҳон саммитининг 2-босқичида Ўзбекистон делегациясининг иштироки тўғрисидаги ҳисобот тинланди.

Шу билан бирга, 2005 йилда қабул қилинган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни кўриб чиқилди. Қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар тўғрисида ахборот берилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йил режаси ижроси натижалари батафсил таҳлил қилинди, айрим бандларнинг бажарилмаганлиги сабабларига

алоҳида эътибор қаратилди, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига кенгаш топшириқлари бажарилмай қолишига йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида уқтирилди.

Йиғилишда вазирликлар, идоралар, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига ҳукуватимизнинг 2005 йил 22 ноябрдаги ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини қўллаш, 2010 йилгача Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда мунтазам янгилашга доир тадбирлар режасида кўзда тутилган дастурларнинг ўз вақтида ишлаб чиқиши ҳамда бажарилиши лозимлигига эътибор қаратилди.

ЎЗА

НАУ'АТ ЎЙГИЛИШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди. Мажлисни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

Мажлисида Агентликнинг лицензиялаш ва стандартлаштириш бўлими бошлиғи А.Гатаулина "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши ҳамда улар бўйича 2006 йилги режа лойиҳалари тўғрисида" маъруза қилди. Маърузада айтилишича, 2005 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасига мувофиқ соҳа бўйича 52та норматив ҳужжат (НХ)ни тайёрлаш ва қайта кўриб чиқиш кўзда тутилган эди. Режадаги ишларнинг асосий қисми Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари марказига топширилган. Қолган ҳужжатлар эса Агентлик бўлими, ДАИ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзалоқаконсалтинг" МЧЖ, "UzInfoCom" маркази томонидан бажарилиш режалаштирилган.

Норматив ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида бир қатор муаммолар ҳам юзасига келмоқда. НХ лойиҳалари Агентлик бўлими, акциядорлик компаниялар ва манфаатдор ташиқлотлар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмапти. Лойиҳаларнинг бошқа вазирлик ва идораларда узоқ муддат кўриб чиқиши ҳам режада белгиланган меъёрлардан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. НХларни ишлаб чиқиш режаларини шакллантиришда уларнинг муддатлари ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

"2007 йилда ўтказиладиган Халқаро радиоалоқа конференциясига тайёргар-

лик ишларини олиб бориш тўғрисида"ги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раисининг ўринбосари М.Холмуратова сўзга чиқди. Халқаро Электралоқа Иттифоқи кенгашнинг резолюцияси бўйича 2007 йилнинг 15 октябрдан 9 ноябргагача Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-07) Женева шаҳрида ўтказилади. Конференцияга тайёргарлик кўриш тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан тайёрлов комиссияси томонидан олиб борилди. БРК-07 кун тартибига мавжуд тақсимотдан фойдаланиш шартларини белгилаш, Радиоалоқа регламентининг процедура ҳужжатларини қайта кўриш, частота полосаларининг қўшимча тақсими то буйича 20та масала киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоялаш нўқтаи назаридан бошқа халқаро ташиқлотларнинг БРК-07га таклифлар лойиҳаси тайёрлов комиссияси йиғилишида кўриб чиқилди.

Агентлик бош юридик маслаҳатчиси Б.Жабборов "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи" жамғармасини ташкил этиш ҳамда Хива шаҳридаги "Ўзбекистон алоқа тарихи" музейи фаолиятини қайта ташкил этиш чоралари тўғрисидаги масалалар ҳусусида сўз юритди.

Маълумки, Агентлик Бош директори раислигида 2003 йил 27 сентябр куни бўлиб ўтган йиғилишда "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси та-

рихи" жамғармасини ташкил этиш кенг муҳокама қилинган ва ушбу таклиф маъқулланган эди. Жамғарманинг асосий мақсади — мамлакатимизда почта, телефон-телеграф, радиоалоқа, радиочастотлаштириш ва телевидение хизматларини ташкил этишда, уларни бошқаришда, аҳолига хизмат кўрсатишда фидокорона меҳнат қилган инсонлар хотирасини абадийлаштириш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган, ҳозирда нафақадан бўлган мутахассис ходимлар, илм-фан намояндаларининг билими ва тажрибаларини кенг оммага етказиш, келажақда соҳа музейини ташкил этишдир.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, фидоиларнинг жамғарма ташкил этиш тўғрисидаги фикрлари, тавсия ва таклифлари инобатга олиниб, Агентлик тизимида "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи" жамғармаси тузиладиган бўлди. Шунингдек, Хива шаҳридаги "Ўзбекистон алоқа тарихи" музейининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилиб, музей қайтадан ташкил этилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувини тузиш тўғрисида"ги масала бўйича Марказий кенгаш раисини Т.Назаровнинг маърузаси тинланди. Унинг

таъкидлашича, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида олиб борилгаётган ишлорларнинг самардорлигини ошириш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини янада ривожлантириш, меҳнат жамоаларида барқарорлиқни таъминлаш ҳамда ходимларнинг ижтимоий ҳимояланшини кучайтиришда Тармоқ келишувининг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Агентлик ва Марказий кенгаш ўртасида 2003-2005 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг амал қилиш муддати ниҳоясига етди. Шу муносабат билан Агентлик ҳамда Марказий кенгашнинг 2005 йил 12 сентябрдаги "2006-2008 йиллар учун мўлжалланган Тармоқ келишувини тўғрисида"ги буйруқ-қарори асосида Тармоқ келишувини ҳақидида ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа Агентлик ва Марказий кенгашнинг икки томонлама комиссияси мажлисларида қўрилган. Тармоқ келишувини лойиҳаси ҳақида жойлардан олинган фикр-мулоҳазалар, тавсия ва таклифлар ўрганиб чиқилган. Шундан сўнг икки томонлама ишчи комиссияси лойиҳани қайта кўриб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси нормалари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлади.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иззат АХМЕДОВ
aixabar@mail.uz

СОҲА ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ALOQA KORXONALARIDA

ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Бугунги кунда аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни йигиб олишда аксарият почта алоқаси корхоналари коммунал хўжаликларнинг яқин таянчига айланган. Табиийки, бундан ҳар иккала томон ҳам ўзаро манфаатдор — коммунал хўжаликларга миқозларнинг пуллари ўз вақтида келиб тушади, почта алоқаси корхоналарида эса қўшимча хизмат турларидан келадиган даромад эвазига иқтисодий самарадорликка эришилиб, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш имкониятлари янада кенгайди. Умуман олганда, кейинги йилларда почта алоқаси соҳасида қўшимча хизмат турларининг аҳамияти ошиб бормоқда ҳамда бу борада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги сўнгги техника ва технологияларни жорий этишга катта эътибор берилаётир.

Салкам 150 минг киши яшайдиган Чирчиқ шаҳри нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимиз миқёсидаги йирик sanoat марказларидан ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда яна кўплаб ташкилотлар, қўшма корхоналар, ўқув юртлири жойлашганки, уларнинг барчасига почта хизматини кўрсатиш Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг 150 кишилик жамоаси зиммасида. Яна бир қизиқарли маълумот — тармоқ ходимларининг 145 нафари, яъни деярли 97 фоизи хотин-қизлардан иборат. Айна кунларда шаҳардаги қайси алоқа бўлимига борманг, у ер доимо одамлар билан гавжум. Тармоқнинг биргина амалиётлар зали ходимлари кунига коммунал тўловлар бўйича 180-200 кишига, пенсия пуллари ва матбуот нашрларини тарқатиш бўйича 2700-2800 кишига хизмат кўрсатади.

Абдусаттор Жумабоевнинг тармоқни бошқараётганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ўтган қисқа давр ичида ходимлар билан тил топиша олди. У қўшимча хизмат турларини кенгроқ жорий этиш, уларни асосий хизматлар даражасига олиб чиқишда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайди:

— 2005 йилнинг апрел ойидан бошлаб йиғилган тўловлардан олинган даромаднинг 10 фоизи ҳисобига фаоллик кўрсатаётган хо-



тўловларини йигиб олишда модем тизимидан фойдаланилади.

— Компютер орқали модем тизими ёрдамида ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари "Чирком" қўшма корхонасидан керакли маълумотларни оламиз, — дейди 22-алоқа бўлими оператори Севара Ҳайиталиева. — Бу асосан миқозларнинг чиқувчи кўнроқлар бўйича қарздорликлари ҳақида бўлиб, биз маълумотларни миқозларга етказамиз, улар эса шу асосда кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун тўловни амалга оширишади.

2005 йилнинг 1 декабрида Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг амалиётлар залида яна бир янги хизмат тури — электрон пул жўнатиш хизмати ишга тушди. Бу ҳақда бўлим оператори Светлана Талипова шундай маълумот берди:

— Ҳозирча Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларига пул жўнатиш-олиш имкониятига эгамиз. Ушбу хизмат тури нафақат миқозларга, балки ўзимизга ҳам маълум бўляпти. Чунки барча ишлар компютерда бажарилади. Энг асосийси — амалиётлар ишончли ва тезкор бажарилади. Масалан, пул жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотлар, шу жумладан, уларнинг телефон рақамлари компютерга киритилади. Пул тегишли манзилга ўн беш дақиқа ичида етиб боради, сўнгра ўша ердаги почта оператори олувчига хабар етказди. Қисқаси, жўнатиш пули зоғи билан 1,5-2 соат ичида олиш мумкин. Биз ҳам, ўз навбатида, пул жўнатувчини бундан хабардор қиламиз. Электрон пул жўнатиш тизими йўлга қўйилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида миқозларимиз сони анча кўпайди. Айниқса, ҳарбийлар орасида бу хизмат турига қизиқувчилар кўпчиликини ташкил этипти.

— Янги йилда электрон пул жўнатиш хизматини бошқа алоқа бўлимларида ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди Абдусаттор Жумабоев. — Шунингдек, телефон сўзлашувларига доир модем тизимини янада кенгайтириш ҳам режаларимиз қаторидан жой олган. Бир сўз билан айтганда, 2006 йилдан умидларимиз катта. Шу ўринда барча юрдошларимизни, касбдошларимизни жамоамиз номидан Янги йил билан табриклаймиз. Энг эзгу ниятларимизни сизга йўллаймиз, азизлар!

Собит АҲАДОВ
asxabar@mail.uz

Янги йил байрами арафасида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалига қарашли Янгибод телефон боғламаси 196-ЭАТСнинг очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда филиал раҳбарияти, фахрийлар, қурилиш-монтаж ишларида қатнашган ходимлар ва бошқалар иштирок этишди.

ЯНГИ АТС ИШ БОШЛАДИ

Бу ерга ташриф буюрганлар станциянинг ички шароити, қурилма, ускуна ва тайёргарлик ишлари билан танишдилар. Мутахассислар янги АТСнинг ишлаш тартиби ва бошқа масалалар бўйича фикр алмашиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.




— Эски АТС 1972 йилда қурилган бўлиб, сиғими 8 минг рақамни ташкил этар эди, — деди Янгибод телефон боғламаси бошлиғи Абдусамид Исмоилов. — Маъмур декадали-одимловчи станциянинг сиғими 2004 йили 10 мингга етказилди. 2005 йилда олиб борилган ишлар натижасида 96-АТС 196-ЭАТСа айлантирилди ва тармоқни кенгайтириш учун яна икки минг рақам қўшилди. Ҳозирга қадар миқозлардан 500дан ортиқ аризалар қабул қилиниб, улар асосида телефон ўрнатиб берилди. Қисқа вақт ичида "Хуавей" станцияларини ўрнатишда АТС ва боғлама мутахассислари жонбозлик кўрсатишганини алоҳида таъкидлашни истардим. Уйлайманки, бу ишлар миқозларимиз учун янги йил совғаси бўлди.



Тантанали қисм яқунланган, меҳмонлар учун байрам дастурхони ёзилиб, фахрийларга ва қурилиш-монтаж ишларида фаол иштирок этган ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Наргиза РАҲИМОВА



димларни мунтазам равишда рағбатлантириб боришни йўлга қўйганмиз. Натижа эса ёмон бўлмади. Масалан, дастлабки ойда фаол почтачилар сони 7 нафарни ташкил этган бўлса, сентябр ойида 20, ноябрда эса 28 нафарга етди. Умуман олганда, коммунал тўловларни йиғишнинг ўзидан 45-50 миллион сўм соф фойда олишни режалаштирганмиз.

Мазкур почта алоқаси тармоғининг амалиётлар залида ҳамда 3, 13 ва 22-алоқа бўлимларида телефон сўзлашувлари учун абонент

Мамлакатимизда пластик картчалар амалиётини кенг жорий этиш ишлари бошланганидан сўнг, Чирчиқдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланган «Электрокимё» корхонасида ходимларнинг ойлик маошлари пластик картчаларда берилга бошланди. Шундан келиб чиқиб, ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳар почта алоқаси тармоғининг заводга яқин ҳудудда жойлашган 8-алоқа бўлимида коммунал тўловлар учун терминаллар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими жорий қилинди.


О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ

**“Ўзбектелеком” АК жамоаси
МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ**
билан барча юртдошларимизни
самимий табриклайди

*Барча орзу-истаклар амалга
ошишини, ҳаётда доимий зафарлар
ёр бўлишини тилайди.*

*Хайрли амаллар доимий
йўлдошингиз бўлсин.*



ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини,
жумладан, алоқа соҳаси ходимларини
ҚУРБОН ҲАЙИТИ – ИЙД-АЛ-АДҲА
билан қизгин қутлайди.

*Дуолар қабул
бўладиган ушбу улус
қунда Яратгандан она
заминимиз ҳамisha
тинч, элимиз шод,
юртимиз обод
бўлишини сўраб
қоламиз.*

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз ватандошлар!**



**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ РЕСПУБЛИКА
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

*Она Ватанимиз
аҳлини улус айём —
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан сидқидилдан
муборакбод этади.*

Азизлар!
*Ушбу умидбахш кунда
барчангизга сиҳат-
саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик,
хонадонларингизга файзу
барака тилаймиз!*




РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни
**ҚУРБОН ҲАЙИТИ —
ИЙД АЛ-АДҲА**
билан қутлайди.

*Аллоҳ таоло юртимизга
осойишталик, халқимизга тин-
сиҳатлик, хонадонларимизга
файзу барокот ато этсин.*

**Қурбон ҳайитингиз
муборак бўлсин!**



14-YANVAR — VATAN HIMOYACHILARI KUNI

УЙ МУБОРАК, ЎҒЛОНЛАР!

Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида зиммасидаги муқаддас бурчни ўтаётган дарё-чегарачи офицерлар ва шартномачи ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳига янги уй қалитлари топширилди. Шу муносабат билан ҳарбий қисмда тақдимот маросими ўтказилди.

Дарҳақиқат, ҳарбий соҳадаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу орқали орзуимиздаги профессионал армия шаклланимоқда. Муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинган ёшларнинг жисмоний етуқлиги баробарида интеллектуал салоҳияти ҳам алоҳида инobat-га олинаётганлиги айнаи муқаддас бўлмоқда. Шу боис улар хизматдан сўнг сержантлар мактабида ва ҳарбий қисмда қолишга чин юракдан жазм этишмоқда.

Ўз навбатида бундай иймонни бут, билагида куч, юрагида ўт жўшиб турган ўғлонлар учун ҳар томонлама етарли шарт-шароит яратиш бирламчи вазифага айланган. Айниқса, офицерлар ва шартнома асосида хизматни давом эттираётган ҳарбийлар оиласини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида хайрли ишлар қилинмоқда.

“Жануб” минтақавий чегара

қўшинлари сафида хизмат қилаётган 20 нафар ёш офицер ва шартномачи ҳарбийларга замонавий қурилган ҳамда уй-рўзгор ва мебел буюмлари билан тўла жиҳозланган уй қалити топширилгани бунинг яққол далили бўлди. Тақдимот маросимида қатнашган Сурхондарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Абдулҳаким Эшмуродов, генерал-майор Илҳом Ибрагимов, шоира Зулфия Мўминова ва бошқалар ҳарбийларни янги уй ҳамда Янги йил байрами билан табриқлаб, мустақил Ватан чегараси сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида ҳамisha хушёр туришларига тилақ билдиришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов иштирок этди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

Одатдаги иш кунларининг бирида таҳририятимизга бир отахон кириб келди. Саломалиқдан сўнг ўзини Сапарбой Абдуллаев деб таништирган бу инсон Қорақалпоғистоннинг Тўртқул туманидан келганлигини, оиласида қувончли воқеа бўлганини ва газета орқали ўз дил изҳорларини билдирмоқчи эканлигини айтиб қолди. Биз бажонидил у кишини суҳбатга тортдик.

ИНТИЛГАН МУРОДИГА ЕТАДИ

— Ёшим етмиш олтида, — дея гап бошлади Сапарбой ота. — Собик алоқачиман, 1993 йилдан бери нафақаданман. Ҳаётимда қувончли воқеа юз берди — 2004 йили неварам Шахноза ўз кучи билан Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кирган эди. Ҳозир 2-босқичда аъло баҳоларга ўқияпти. 2005 йили эса яна бир неварам — Арслон ҳам шу университетнинг тарих факультети талабаси бўлди. Пойтахтга невараларим олдига келиб, йўл-йўлакай “Хабар”га киришни лозим топдим. Мендеқ бир собик алоқачининг, қолаверса, газетангизнинг доимий ўқувчисининг дил изҳорларини чоп этсанлар, жуда хурсанд бўлардим...

Ёшлигимда жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирганман. Қорним тўйиб овқат емаганман, кийим-бошни айтмайни кўя қолай. Шунинг учун ўн беш ёшимда тумандаги почта қорхонасига хат ташувчи бўлиб ишладим, билмаганларимни тинмай ўргандим. Орадан уч йил ўтиб, мени Шўрахан қишлоғидаги почта бўлимига юборишди. Тўртқулда Шўраханни бил-



майдиган одам йўқ, катта қишлоқ. Мазкур бўлимни ўн икки йил бошқардим. Яхши ишлаганимни инobatга олишиб, Тўртқул алоқа тармоғи бошлиғи ўринбосари вазифасига тайинландим. Бу ерда 13 йил ишладим. Сўнг 23 йил давомида шаҳардаги 2-алоқа бўлимини бошқардим. Ишлаш билан бир қаторда почта соҳаси бўйича кечки курсларда ўқиб, малакамни ошириб бордим. Меҳнатларим инobatга олиниб, 1979 йили “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими”

унвони билан тақдирланганман. Рафиқам — Қурбонгул Хўжаниёзова ҳам 45 йил мобайнида почта соҳасида меҳнат қилди. Сараловчи, почтачи, оператор ва зифаларида ишлади. Узоқ йиллар шаҳардаги 1-алоқа бўлимини бошқарди. Ҳозир ушбу бўлимни ўғлим Исламбек бошқаряпти. Турмуш ўртоғим билан 52 йилдан буён аҳил яшаб келяп-

миз. Беш фарзандимиз бор, 17 неварам, 6 чеваранинг бобоси ва бувисимиз.

— Қийинчиликларга қарамай, меҳнат қилиб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтибсиз. Кўпни кўрган инсон сифатида ёшларга қандай тилақларингиз, насиҳатларингиз бор?

— Бизнинг авлод катта қийинчиликларни кўриб воқеа етди. Лекин ҳеч ким ҳаётдан нолимаган. Чунки эртанги кунга ишонч кучли эди. Ҳаётимда шунга амин бўлдимки, ҳар ким ўз кучига таяниб ҳалол ишласа, албатта кўзлаган мақсадига эришар экан. Шулардан келиб чиқиб, бугунги ёшларга айтадиганим шу: қийинчиликлардан, тўсиқлардан, муаммолардан чўчимасдан фақат олға бориңлар. Хур ва обод замонда яшайсизлар, мақсадингизга эришингиз учун бугунги кунда барча шарт-шароит муҳайё. Ватан, ота-онангиз олдидаги фарзандлик бурчингизни ҳеч қачон унутманг. Шундагина келажагимиз буюк бўлади!

Усмонжон Йўлдошев
ёзиб олди
yuxabar@mail.uz

“O`ZBEKTELEKOM” АК “ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Жаннатмонанд Ўзбекистонимизда
истиқомат қилаётган барча мўмин-
мусулмонларни муборак айём —
ҚУРБОН ҲАЙИТИ — ИЙД АЛ-АДҲА
билан сидқидилдан табриқлайди.

Элу юртимизда
ўзаро меҳр-оқибат,
ҳамжиҳатлик,
ҳиммат ва саховат
ҳамиша барқарор
бўлсин.


Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Барча
юртдошларимизни,
жумладан,
алоқачиларни
ҚУРБОН
ҲАЙИТИ
билан самимий
табриқлайди.

Сизларга боқий умр,
тинчлик-омонлик,
бахт-саодат ҳамиша
ёр бўлсин.

Қалбингизни имон
нури ҳеч қачон тарқ
этмасин!



ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон Қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»га, 2005 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 155-сон Қарорига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 11 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 155-сон қарори ҳақида»ги 191-сон, 2005 йил 14 декабрдаги «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятларни лицензиялаш тўғрисида»ги 48-Л-сон буйруқларига асосан ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилди:

Лицензиатлар ва уларнинг лицензия рақами:

Кобахидзе Игор Иверович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000033 рақамли;
Холыйнгов Джуманиёз (Тошкент вилояти), РТ серияли 0000119 рақамли;
Махамметов Дилмурот Махаммович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000111 рақамли;
Абрамов Герман Валерьевич (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000248 рақамли;
Туниязи Марина Геннадьевна (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000236 рақамли;
Ким Светлана Леонидовна (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000241 рақамли;
Исамухамедов Жамшид Джалалидинович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000245 рақамли;
Краснухова Галина Александровна (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000251 рақамли;
Мусаева Муяссар Ибрагимовна (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000235 рақамли;
Нуритдинов Шарофиддин Шамсутдинович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000249 рақамли;
Абиджанов Сажада Хабибуллаевна (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000246 рақамли;
Шарапов Дилшод Хасанбаевич (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000365 рақамли;
Габдуллин Дамир Басимович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000361 рақамли;
Якубов Ильяс Якубович (Тошкент шаҳри), РТ серияли 0000362 рақамли;
Закиров Салих Пулатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000024 рақамли;
Цой Владимир Николаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000050 рақамли;
Мирхидоятлов Аъзам Асхадович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000037 рақамли;
Покачалов Артем Геннадьевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000041 рақамли;
Котельников Сергей Александрович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000054 рақамли;
Вывлов Вячеслав Михайлович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000033 рақамли;
Цой Ирина Донусевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000028 рақамли;
Азимов Кахрамон Умарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000053 рақамли;
Саркисан Юлия Олеговна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000038 рақамли;
Худайкулов Фахриддин Тожиевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000066 рақамли;
Байзаков Абдураҳман Абдухалилович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000044 рақамли;
Алиев Равшан Эркинвич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000045 рақамли;
Ким Робик (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000075 рақамли;
Айметов Алишер Атаханович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000042 рақамли;
Насретдинова Лола Кароматовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000027 рақамли;
Усманов Ойил Каримжанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000043 рақамли;
Гаппарова Нигар Ахатовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000032 рақамли;
Мамедова Рохат Мамасаликовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000023 рақамли;
Рахимов Азиз Акзамович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000154 рақамли;
Алимухамедов Абдулло Хаджимуратович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000136 рақамли;
Каримов Алексей Анатольевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000138 рақамли;
Тагаев Алишер Эркинвич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000139 рақамли;
Кеандипуло Павел Константинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000166 рақамли;
Алимбеков Азизбек Жаудат угли (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000148 рақамли;
Закиров Жорулло Хабибуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000141 рақамли;
Исманлова Тамара Холматовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000176 рақамли;
Васильев Роман Вениаминович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000135 рақамли;
Вакилов Бехзод Абдурахмонович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000153 рақамли;
Улуғбеков Ултамбек Улуғбекович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000147 рақамли;
Ли Владимир Витальевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000198 рақамли;
Арипов Жаонгир Абдухамитович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000202 рақамли;
Каримов Равшан Уткиржонвич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000220 рақамли;
Хақимов Раноҳон Насруллаевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000229 рақамли;
Шарофхонова Ферузахон Саидалимовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000242 рақамли;
Сағатов Абдумалик Абдумавланович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000240 рақамли;
Ядгаров Севдигер Бахтиярович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000241 рақамли;
Ширматов Хатам Ирматович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000250 рақамли;
Барготица Екатерина Евгеньевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000251 рақамли;
Шукуров Бекзод Мамиржанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000209 рақамли;
Сандарипов Абдурашид Султанович (Тошкент вилояти), АА серияли 0000231 рақамли;
Игамбердиев Улуғбек Мирзапулатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000283 рақамли;
Шахмедов Шоолон Шаазизович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000294 рақамли;
Пирматов Эргаш Джурабаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000302 рақамли;
Мақкамбаева Гулноз Бахтияровна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000304 рақамли;
Кашляева Людмила Васильевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000326 рақамли;
Раимкулова Гулнора Джурабаевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000315 рақамли;
Ходжаев Абурашул Ваҳобович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000329 рақамли;
Нигматзянов Марат Ханифович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000311 рақамли;
Умаров Бобирмурзо Аброрович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000316 рақамли;
Сауранбеков Дилшод Бахтиярович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000257 рақамли;
Рахматуллаев Изатилла Асатуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000318 рақамли;
Умаров Гайрат Гуламович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000314 рақамли;
Нарзиев Илҳом Акрамович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000319 рақамли;
Маллаев Парда Джабарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000327 рақамли;
Власов Андрей Владимирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000350 рақамли;
Тўхтаганов Ойбек Ҳасанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000348 рақамли;
Ҳакимджанов Равшан Тахирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000346 рақамли;
Султанов Раҳим Ашурматович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000353 рақамли;
Хикматов Дилмурод Хайруллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000339 рақамли;
Каримов Омонилло Абдуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000369 рақамли;
Каландаров Марат Каримович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000340 рақамли;
Муминова Фотима Шакировна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000355 рақамли;
Алимбаев Санджар Ахмедович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000362 рақамли;
Нурматов Нафиса Абдиллажонна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000360 рақамли;
Повзнер Роман Михайлович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000361 рақамли;
Атаханов Дилшод Маратович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000370 рақамли;
Валиева Гулмурод Амануллаевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000373 рақамли;
Пахриев Алексей Иванович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000381 рақамли;
Акопов Николай Арменович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000281 рақамли;
Умарова Мубарак (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000372 рақамли;
Гуламов Таир Рахматуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000358 рақамли;

Каримов Асил Адилевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000392 рақамли;
Пик Максим Эдуардович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000384 рақамли;
Савенков Максим Викторович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000383 рақамли;
Ҳакимджанов Бехзод Бахтиярович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000347 рақамли;
Худайбердиев Камран Олегович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000391 рақамли;
Назирова Тоҳир Джураевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000398 рақамли;
Талипова Малика Абдувалиевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000405 рақамли;
Попова Наталья Владимировна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000404 рақамли;
Мирзаев Бехзод Хамидович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000399 рақамли;
Салихов Асрор Кадрович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000382 рақамли;
Каюмов Дониёр Аблизович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000437 рақамли;
Расулов Хайт Заирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000456 рақамли;
Насиров Алижон Абиджанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000435 рақамли;
Алимухамедов Карим Рашидович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000428 рақамли;
Каримов Руслан Юнирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000436 рақамли;
Гафуров Хотам Алхамович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000458 рақамли;
Собиров Шарофиддин Фазилджанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000449 рақамли;
Мақсудов Маъмур Мурадович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000448 рақамли;
Ким Елена Владимировна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000443 рақамли;
Турбеков Сергей Алипович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000445 рақамли;
Нуритдинов Камолитдин Асомитдинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000471 рақамли;
Погорелова Надежда Валерьевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000478 рақамли;
Ибрагимов Тимур Ибрагимович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000454 рақамли;
Садиков Бахтиёр Мирвахитович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000470 рақамли;
Ибрагимов Хуснидин Гайитдинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000472 рақамли;
Мирзаабдуллаев Усмон Баходирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000493 рақамли;
Султонов Ибрагим Джураевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000488 рақамли;
Антипин Вячеслав Руодольфович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000421 рақамли;
Восканянц Елена Васильевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000088 рақамли;
Исаков Файзулло Абдукаримович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000087 рақамли;
Абдуваходова Шахноза Сатвалдиевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000400 рақамли;
Ким Сергей Герасимович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000020 рақамли;
Шадиев Закиржан Мирсалихович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000031 рақамли;
Мақсудов Хасан Акмалович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000494 рақамли;
Туляшев Хуршилбек Хурсанбекович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000013 рақамли;
Ким Игорь Артемович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000489 рақамли;
Газарян Ашот Георгиевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000156 рақамли;
Мирзаев Джалалидин Абидович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000158 рақамли;
Курбанов Хасан Хайруллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000150 рақамли;
Ерзина Вероника Алексеевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000157 рақамли;
Мухомов Дилмурод Абдулазизович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000506 рақамли;
Раҳмонов Хайруллаҳужа Хикматиллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000516 рақамли;
Муртазаев Қобул Камилджанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000517 рақамли;
Аскарлов Суннатилла Усманханович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000522 рақамли;
Данияров Аббос Ахрорович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000526 рақамли;
Ильясов Искандар Мустафаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000525 рақамли;
Бубнов Сергей Эдуардович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000545 рақамли;
Холматов Ботиржон Баходирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000495 рақамли;
Артемьев Николай Сергеевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000548 рақамли;
Ширмухамедов Нодир Джалалитдинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000561 рақамли;
Каримов Дониёр Носирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000546 рақамли;
Абдурахмонов Саиджон Собирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000547 рақамли;
Мусаев Нурумурод Тухтамуродович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000544 рақамли;
Хидоятов Саиджон Сабиорович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000159 рақамли;
Шадиев Дониёрбек Исламович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000473 рақамли;
Дубовцев Сергей Александрович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000571 рақамли;
Муминов Шокир Хикматович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000575 рақамли;
Маматалиев Фахриддин Мамарасулович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000573 рақамли;
Абдурахманов Хасан Насирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000574 рақамли;
Гаппаров Марат Абдуқаҳарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000565 рақамли;
Ташмухамедова Индира Сагдуллаевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000507 рақамли;
Уваев Сайдулло Хамидуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000149 рақамли;
Цой Александр Сергеевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000514 рақамли;
Мирсаатов Мирбакидан Батирович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000585 рақамли;
Крон Жанна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000591 рақамли;
Муталов Тура Джураевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000586 рақамли;
Исмаилова Нигора Суннатиллаевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000570 рақамли;
Рахматуллаев Шуҳрат Анварович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000606 рақамли;
Яркулова Лола Сайлақамовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000603 рақамли;
Маширапов Боходир Сабурович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000605 рақамли;
Усибаев Руслан Инкарвич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000600 рақамли;
Илмурадов Тимур Хабибуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000607 рақамли;
Савелов Николай Николаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000636 рақамли;
Ибрагимов Тахиржан Арипович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000604 рақамли;
Сайнова Муҳаббат Азизовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000590 рақамли;
Сайдалиева Сурайё Саидкаримовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000509 рақамли;
Гюев Дмитрий Вильямович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000651 рақамли;
Акрамов Тимур Эркинвич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000650 рақамли;
Каримов Фарход Анварович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000649 рақамли;
Урманов Гиви Ильдарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000648 рақамли;
Рахимов Воҳид Муратходжаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000670 рақамли;
Япон почтасидаги сўнги ютуқлардан бири — унинг XXI асрга ўзига хос тарзда кириб келганлиги — "гибрид корреспонденция"нинг жорий этилиши бўлди. Унинг моҳияти шундай: ҳар қандай киши мамлакатнинг исталган нуқтасидан, уйдан чиқмасдан туриб, ўз компютери орқали хатлар, рангли суратлар, чизмаларни бошқа одамларга ёки ташкилотларга жўнатиши мумкин. Бунинг учун тегишли маълумот Токиодаги Марказий почтамтнинг компютер цехига

ёки 12 ҳудудий почта марказларидан биридаги компютерларга жўнатила қифоя. У ерда бу маълумотлар чоп этилади ва хатжилдларга жойлаштирилиб, тегишли манзилларга одатий хат-хабарлар каби жўнатилади.

Бу хизмат учун тўловлар кредит картчалари орқали амалга оширилади. "Гибрид корреспонденция"нинг яна бир афзаллиги — уни манзилга чекланмаган миқдорда етказиш имкони мавжудлигидадир. Бу, ўз навбатида, тижорий ённки сиёсий реклама мақсадларида миҳозларга жуда қўл келиди.

Тазкидлаш ўринлики, почта хизматини компютерлаштириш ва электрон техникаларни жорий этиш Японияда почтани ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади. 1988 йилдан эътиборан, мамлакатда барча почта бўлиmlарини ягона компютер тармоғига бирлаштирган П-НЭТ тизими ишлаб турибди. Унинг қўлай томони шуки — кунлик хат ва жўнатмаларнинг ҳарақатланиш жараёнини тўлиқ назорат қилиш ва кузатиш имкони мавжуд.

Дарвоқе, жўнатмаларнинг оғирлиги 20 килограммдан ошмаслиги шарт, шунингдек уларнинг ўлчамларига доир чекловлар ҳам бор. Мабодо жўнатма белгиланган ўлчамлардан оғир ёки катта бўлса ҳам, барибир жўнатилади. Бу қўшимча тўловлар эвазига амалга оширилади. Жўнатмаларни эгларига келишилган мuddада (яъни олувчи хоҳлаган вақтда) етказиб бериш хизмати ҳам мавжуд. Тез бузиладиган маҳсулотлар рефрижераторли контейнерларда ўз мuddатида, безиёз етказиб берилди.

Оқоридигиларга қўшимча сифатида, П-НЭТ тизимга почта орқали амалга ошириладиган омонат ва сугурта амалиётлари ҳам уланганлини айтиб ўтиш мумкин.

Япон почтачиларининг энг ибратли фозилларидан бири шуки — улар атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ эмаслар. Почтачилар ҳозирги кунда хавога зарарли моддаларни чиқармайдиган 100дан зиёд электро-мобиллардан фойдаланишади. Почта бланкалари, ойнахатлар ва бошқа ҳар хил иш қоғозларини тайёрлашда асосан макулатура ишлатилади.

(Давоми бор.)

asxabar@mail.uz

Aloqa olamida

АВТОМАТЛАРДА СОТИЛАДИГАН "СОТКА"

"Vodafone" телекоммуникация компанияси ақл бовар қилмайдиган савдо шахобчаларини яратди. Аниқроғи, компания томонидан оддий пластмасса идишларда газланган сув, газета, батарейка каби турли-туман хариддоргир кичик-кичик ускуналар сотиладиган маиший хўжалик буюмлари дўконларида эндиликда уяли телефонларни сотиш ҳам йўлга қўйилди.

"Quickphone" деб номланган савдо шахобчалари дастлаб Манчестер шаҳрида қад ростлади. Компания раҳбарияти яқин кунлар ичида бундай савдо шахобчалари Буюк Британиянинг барча темир йўл вокзаллари, автобус бекатлари, аэропортлар ва катта савдо марказларида қурилаётгани таъкидламоқда. Энг ажабланарли томони шундаки, миҳозлар бундай савдо автоматларидан фақат уяли телефон аппаратларини харид қилиш билангина чекланиб қолмасдан, балки шу жўннинг ўзидаёқ унга улаишлари мумкин. Миҳоз атиги 53,5 долларга батарейкаси тўла қувватланган уяли телефон аппаратини қўлга киритади ва ўз ҳисобидан 1,8 доллар пул ўтказса, қўл телефони орқали бемалол гаплашади. Янгилик муаллифлари мазкур автоматларга қизиқувчи хариддорлар сони кундан-кунга кўпайишни ишонч билан тилга олмоқда. Демак, бундан кейин британияликлар уяли телефон сотиб олиш учун дўконма-дўкон кезишмайди, хоҳлаган одам "савдогар автоматлар"га озгина пул тўлаш ҳисобига ўз мақсадига эришади-қўяди.

Компания вакиллари бундай шахобчаларини электр тармоғига эга бўлган барча жойларда ўрнатиш мумкин, дейишмоқда. Агар савдо автоматлари ҳақиқатан ҳам миҳозлар кўнглидан жой олса, бундай янгилик қисқа фурсат ичида ер шарининг барча жойларига тарқалади.

34 ҚАВАТЛИ УЯЛИ ТЕЛЕФОН ШАКЛИДАГИ УЙ

Австралиянинг Мелбурн шаҳрида уяли телефон шаклида улкан уй қуриладиган бўлди. Қурилажак уйнинг баҳоси 400 млн. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Лойиха муаллифи австралиялик корчолан Жон Илхан ҳисобланади. У Австралияда қимматбаҳо уйларнинг лойиҳаси муаллифи сифатида жуда таникли шахсдир.



Баландлиги тахминан 120 метрлик ушбу қурилажак улкан иморатнинг худди уяли телефон аппаратиники каби экрани, антеннаси ва клавиатураси ҳам бўлади. Мазкур уй 34 қаватдан иборат бўлиб, 166та чиройли тарзда безатилган 2 ва 4 хонали хонадонларни ўз ичига олади. Бинода, шунингдек, яшаш хоналаридан ташқари коммуникация компаниялари вакилларининг ишбилармонлик учрашувларини ўтказиш учун мўлжалланган мажлислар зали ҳам бўлиши лойиҳадан ўрин олган.

Жон Илхан уяли телефон ҳажмидаги улкан иморат Мелбурн шаҳри, мавқеи янада юксалишига ҳисса қўшади, дея таъкидламоқда. "Ҳар бир давлат ўзига хос иморатларга эга. Масалан, Сиднейда қад ростлаган театр биносидан сиднейликлар фахрланишади. Нега худди шунга ўхшаш иморатлар бошқа шаҳарларда ҳам бўлмаслиги керак?" — дейди Жон Илхан. Лойиҳани амалга ошириш вазифасини ўз зиммасига олган меймор Жейсон Камензулиннинг фикрича, мазкур бино Жон Илханнинг шу кунга қадар яратган лойиҳалари ичидаги энг қимматлиси ва ноёби экан.

— Уяли телефон аппаратига ўхшаш иморатни бунёд этиш борасида тушунмовчилик ва қийинчиликларга дуч келишимиз табиийдир. Бироқ интиланган толе ёр. Хар қандай қийинчиликни енгишининг чоралари бор, — дейди Жейсон.

Ўзига хос бинони бунёд этиш ишлари жорий йилда бошланади. Демак, насиб этса, австралияликлар келажақда "уяли телефон" ичида яшайдилар. Жон Илханнинг лойиҳаси, шубҳасиз, кўпчиликка манзур бўлади!

Рўзибой АЗИМИЙ тайёрлади

14-YANVAR — VATAN HIMOVACHILARI KUNI

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

Тошкент ахборот технологиялари университетда ана шу йўналишда тарбиявий ишларни олиб бориш учун алоҳида муҳит мавжуд. Келажақда офицер бўлишга тайёрланаётган Махсус факултет курсантларининг университет талабалари билан ёнма-ён билим олишларида, университет «Харбий» ка-

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳар доим долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.



Суратда: Кафедрада ҳарбий қасамд қабул қилиш тантанали маросими.

федрасида ўқиш учун танлов ўтказилаётганида ёшларимизнинг ҳарбий касбга қизиқиши, эътибори қанчалик юқори эканлигини сезамиз.

Университетдаги «Харбий» кафедра 1956 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган давр мобайнида ушбу кафедрага тажрибали офицерлардан полковниклар — К.Яковлев (1956—1962 йиллар), В.Баранюк (1962—1974 йиллар), А.Кириличев (1974—1984 йиллар), В.Кузё (1989—1993 йиллар), А.Сотник (1995—1999 йиллар) бошчилик қилдилар. Шунингдек, полковниклар — С.Жалилов, Э.Канеев, подполковниклар — Г.Рождов, Р.Қодиоров, — Г.Тястов, Н.Филитович, Э.Махмудов ва бошқа офицерлар кафедра талабаларига кўп йиллар билим берганлар.

«Харбий» кафедрада билим олмакчи бўлган талабалар учун бир қанча танлов меъёрлари мавжуд. Биринчидан, улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, соғлиги бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиги, ўз хоҳиши билан ўқишга қираётганлиги ва зарур бўлганда хизматга тайёр эканлиги тўғрисида ари-

за ёзишлари лозим.

Иккинчидан, талабалар билимларини баҳолаш учун уларнинг университетга киришида давлат тест синовларида олган баллари, ўтган семестрларда тўплаган рейтинг баллари инобатга олинади.

Бундан ташқари, талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳам нормативлар асосида баҳоланади. Бунда тезлик (100 метрга югуриш), куч (турникда тортилиш), чидамлилик (3000 метрга югуриш) бўйича синовлар ўтказилади. Талаба тўплаган умумий балларга қараб рўйхат тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган режага кўра «Харбий» кафедрада ўқийдиган талабалар ажратиб олинади. Бунда нафақат талабанинг жисмоний тайёргарлиги, балки унинг билими ҳам муҳим ўрин тутди.

Талабаларга умумий тактика, махсус-тактик тайёргарлик, топография, ҳарбий низомлар, саф тайёргарлиги, тарбиявий ишлар услуби ва ҳарбий алоқа техникасини ўргатувчи ҳарбий-техник, ҳарбий-махсус тайёргар-

лик фанларидан сабоқ берилди. Кун тартибда асосий машғулотлар билан бир қаторда мустақил тайёргарлик соатлари ҳам белгиланган.

Талабалар фанларни ўрганиш билан бирга ҳарбий интизом, ҳарбий хизмат асослари билан ҳам танишиб борадилар. Улар ўқув даврида гуруҳ бўйича навбатчи, кафедрада топсон, секция, гуруҳ командири вазифаларида ўзларини сынаб кўрадилар.

Шунингдек, кафедрада ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар ҳам мунтазам равишда олиб борилади. Куролли Кучлар, Темурийлар тарихи давлат музейларини томоша қилиш, Шаҳидлар майдонини зиёрат қилиш, уруш ва ҳарбий хизмат фахрийлари билан учрашувлар, армиямизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлар ўтказиш шулар жумласидандир. Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги, Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган тадбирлар университет миқёсида ўтказилади.

Бу йўналишдаги ишларнинг асосий қисми ҳарбий қисмларда ўтказиладиган дала йиғинлари даврига тўғри келади. Талабалар аскарлар ётоқхонаси, ошхонаси, жанговар қуролдан отиш ва, умуман, ҳарбий хизмат билан бевосита танишадилар. Ҳарбий қасамд қабул қилиш маросимининг тантанали ўтиши талабаларда доимо катта таассурот қолдиради. Бунда улар ўз халқиқа, Президентига содиқлиги, Ватанни ҳимоя қилишга ҳамisha тайёр эканлиги ҳақида тантанали ваъда берадилар.

Албатта, «Харбий» кафедранинг асосий вазифаси Махсус факултет ёки бошқа ҳарбий билим юртидан фарқ қилади, яъни бу ерда захирадаги офицерлар тайёрланади. Лекин кафедранинг кўпчилик битирувчилари ҳозирги кунда халқ ҳўжалиги соҳаларида фаолият юритиш билан бирга Мудофаа, Ички ишлар, Фавуқлода вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати сафларида ҳам офицер сифатида хизмат қилишмоқда.

Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ,
ТАТУ «Харбий» кафедраси бошлиғи, подполковник

NISHONDORLARIMIZ

Исмоил Фозилжонов 1979 йили Тошкент алоқа политехникумига автоматик электралоқа мутахассислиги бўйича ўқишга кирди ва 1983 йилда имтиёзли дипломни кўлга киритди. Кейинчалик, 1983—1988 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтида ҳам шу йўналишда таҳсил олди. Энг эътиборли томони, И.Фозилжонов бу даргоҳни ҳам имтиёзли диплом билан тамомлади. Меҳнат фаолиятини эса институтнинг ўша даврдаги «Ночизикли электр занжирлари ва сигналлар узатиш назарияси» кафедрасининг илмий тадқиқот лабораториясида кичик илмий ходимликдан бошлади. Ун беш йилдирки, Исмоил ака университетда катта ўқитувчи сифатида фаолият юритмоқда.

ОМАД СИЗГА, УСТОЗ!



Кафедра илмий ходими вазифасида ишлаган пайтда Исмоил Фозилжоновнинг «Рақамли интеграл хизмат кўрсатиш», «Алоқа тармоқлари структураси» муаммоларига бағишланган бир қатор илмий ишлари республика ва ўша даврдаги иттифоқ конференцияларининг мақолалар тўпламида, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Энергетика ва информатика муаммолари» илмий журналда чоп этилган. Ҳозир у инжекцион-волтаик транзисторли комплекс эмиттер қайтаргичларни яратиш муаммолари устида ўз номзодлик диссертациясини ҳимояга тайёрламоқда ва электралоқа

назарияси, статистик радиотехника фанларидан талабаларга чуқур билим бериш билан бирга, кафедрада ўқитиладиган фанлардан виртуал лаборатория яратиш устида ишлаб келмоқда. У ҳозиргача 40га яқин виртуал лаборатория ишларини ўқиш жараёнига татибик этди.

Ўз билими ва тажрибасини нафақат талабаларга, балки ёш ўқитувчиларга ҳам ўргатаётган И.Фозилжонов кафедрада яратилган бир қатор ўқув-усlubий қўлланмалар ҳаммуаллифи ҳамдир. Шу кунгача у учта ихтироси учун муаллифлик гувоҳномасини олган, 10та илмий ҳамда 30га яқин илмий-усlubий ва ўқув қўлланмаларининг муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

Исмоил Фозилжоновнинг илмий ва педагогик фаолияти Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги муносабати билан муносиб тақдирланди, у «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Устозга келажақдаги ишларида омад, сихат-саломатлик тилаймиз!

Яраш ЮСУПОВ,
ТАТУ РТ ва РА кафедраси ассистенти

YOSHILAR MINBARI

Ҳеч бир нарсада суистеъмолчиликка йўл қўймастик, доимо меъёрни ушлашга даъват этувчи юқоридаги ибора турмушимизда кўп қўлланилади ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Эрталаб одатдагидек метрога тушдим. Ҳамманинг хаёли кундалик иш, рўзгор юмушлари билан банд. Фақат вагон ўртасида тик туриб олган ўч дугона қизнинг суҳбат қуришгани. Худди ён-атрофда ҳеч ким йўқдек, бемалол, бор овозда шангиллаб гаплашишарди. Уларнинг суҳбатидан ўтирганларнинг гаши келиб, асаби

ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ БОР

қўзиб бораётган бўлса-да (бу уларнинг норизо қиёфаларидан ҳам маълум эди), ҳеч ким ботиниб гапиролмасди. «Мусоҳаба» эса борган сари авж олаётганди.

— Ойбекни нима қилдинг?

— Ўлсин, орқамдан итдек эргашиб юрибди. Охири қарасам бўлмайдиган. «Хой сўтак, овора бўлма, мен Шохруҳни севаман. Агар яхшилик қилмоқчи бўлсанг, севишимни унга бориб айт», — дедим...

Дугоналар бор овозда: — Бечорани армонда қолдирибсан-да! — деб қулиб юборишди.

Тавба, дейман ўзимча. Мажнунни девона қилган, Фарҳодни

буюк ишларга чорлаган, Тоҳирни сувга окизган муҳаббатнинг қадри шунчалар пасайиб кетдики?! Бу қандай гап бўлдики, қиз ўзини севган йигитга ўзгани севиши ҳақида ошқора айтиб, яна ундан ўртада воситачи бўлишни талаб қилса?!

Ўрта ёшли бир аёл дугоналарнинг андишасиларча суҳбатига чидай олмайди шекилли, шаҳд ўрнидан туриб, жажл билан гапирди:

— Қанақа беандиша қизсанлар?! Ўзинг-бетинг борми демай, шунча одамнинг олдида уялмай-нетмай муҳаббатингни бозорга солиб, шангиллаб гаплашсанлар-а?

— Сизнинг нима ишингиз бор?

— Онанг тенги одамман, гапирётган гапингни қара! Ҳе, ўша муҳаббатингга ўт тушин сенларнинг!

Дугоналарнинг жавоби оғзида қолди. Аёл навбатдаги бекатда тушиб кетди. Қизларнинг кейинги суҳбати ўша аёлга қаратилди:

— Ўзининг даври ўтган-да!

— Алам қилсин!

— Шунча қайнонага тушиб қолсанг борми...

— Бўғиб қўяди!..

Ана холос, қизлар ҳали йўқ қайнонага ҳам кафан бичишди.

Яқинда автобусда ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Навбатдаги бекатдан автобусга чиққан икки дугона

йўл-йўлақай тўхтовсиз ҳиринглашиб қулишарди. Асаби тараңлаган йўловчилар уларга «бўлди, тўхтат» маъносига қарашар, лекин қизлар баралла овозда қулишни кўйишмас эди. Шунда орқа томондан эркак кишининг овози эшитилди:

— Бўлди, бас қилларинг! Бу онангнинг уйими, бемалол хиринглаб қулишсанлар жомат транспортда?!

Қизлар унга жавобан нимадир дейишди. Эркакнинг эса баттар жаҳли чиқиб, кескин гапирди.

— Эй, падарларингга лаънат сенларнинг!

Мана шуниси ёмон бўлди. Қизларнинг бу ноҳўра қилмиши оталарига лаънат келтирди.

Элдорбек АКРАМОВ,
ТАТУ талабаси




Сканворд



Тузувчи: Рўзибой АЗИМИЙ

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|-----------------------|---------------------------|---------------------|----------------------|----------------|-------------------|------------------|---------------|---------------------|---------------------|-----------------------|---------------------|---------------------|---------------|------------------|---|--|--|------------------|---|
| Олий мусиқа ўқув юрти | | | | | | | | Ертут | | | | | | | | | | Гул | |
| ↓ | Кавказ халқи | Хисоб | Дори номи | Мато | Ёввойи ўт | Турман | Даъват | ... | Турман | Говуш Ер ўлчи бирлиги | Бетараф | ↓ | | | | | | | |
| ↗ | | | | | Доир | → | | | АҚШ штати | → | | ↓ | ↓ | | | | | | |
| ↘ | Мусобақа | Форобий | Хужайин | Амр | → | | | | ↑ | | Қашқадарёдаги туман | Сувли ўлка | → | | | | | | |
| ↗ | | ↓ | ↓ | Бошланқ | Келишиқ кўшимчаси | Пайғамбар | | Нота | Вилоят (Ўзб.) | ↓ | ✿ | Қалимий Волга | Билан | → | | | | | |
| ↘ | Натяжа | ↗ | | ↓ | | ↓ | | Олмош | Сурхондарё тумани | ↓ | | | ↓ | | | | | | |
| ↗ | | Балиқ тури | → | | Диний буйруқ | Ўғил тўйи | → | ↓ | | | | Шоли ... сиз бўлмас | Нота | → | | | | | |
| ↘ | "... ва Рақел" (Сернал) | ↗ | Эркақ хайвон Омон... | ↓ | Синоҳ (шахмат) | → | | | Исм | → | | ↓ | | | | | | Нур | |
| ↗ | | Мотоникл ... По | → | | | Саводсиз | Майқул | → | | | | | | | | | | Мой | ↓ |
| ↘ | Сарой | Вақт ўлчови | → | | Тикув анжоми | → | ↓ | | ...Ато | | Замаҳшарий | Ака | → | | | | | | |
| ↗ | | Республика (РФ) | → | | ↓ | АҚШ штати | | Дағаса Бол кўшилган | → | | ↓ | Адолат | → | | | | | | |
| ↘ | Шикор | Хорижлик | Мусиқа асбоби | → | | | | ↓ | Қадим | → | | | Калтафаҳм | → | | | | | |
| ↗ | | | Йигит | → | Бадий асар | Ижод маҳсули | → | | | | Сочсиз | → | | Мусиқа асби | ↓ | | | Қирол... | |
| ↘ | Дур | Тилшунослик атамаси | Қозоқ оқсоқоли | Катта ариқ | → | | | | Фасл | → | | Савоқ сон | → | | | | | | |
| ↗ | 366 кунлик йил | ↗ | | ↓ | Корея пули | Паҳлавон | → | | Буг | Кичик Ҳаж | → | | | | | | | Раис Қон томир | ↓ |
| ↘ | "... фаввораси" | ↗ | Кичик ҳикоя | → | | | | | Шеърый жанр | ↓ | Назорат органи | Тасдиқ ... Грозний | → | | | | | | |
| ↗ | | | | БМТ (русча) | Камон ўқи | → | | | ... Каприо | → | ↓ | Хаё Падар | → | | | | | | |
| ↘ | Институт | Иби (арабча) | Эп | → | ✿ | ✿ | Куй номи | → | | | | ↓ | | | | | | | |
| ↗ | | Малх, сано | Кўмир қони (герм.) | → | | Кўркам патли қуш | → | | Эртапишар мева | | Мусобақа "қалити" | → | | | | | | | |
| ↘ | Водий (Қирғизистон) | ↗ | | Адолат истовчи | ↓ | Судья | ... Курникова | → | ... Разин (тарихчи) | → | | | | | | | | Таом тури | |
| ↗ | "Морена Клара" дақи образ | Спорт фирмаси | → | | | | | | | | | | Ғалбулати | ... Эшон-турасва | ↑ | | | ... Ҳари | ↓ |
| ↘ | | | | Боғловчи | → | | | | | | | | | | | | | | |
| ↗ | Шифо ... бади | → | | Машҳур сайёҳ | → | | | | | | | | Ўрта | → | | | | | |
| ↘ | Автомобил русуми | → | | Руда | → | | | | | | | | Мусиқа асбоби | ← | | | | | |
| ↗ | Фалак | → | | | | Ҳасса | → | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | Экинни сийрақлаш | → |



— Бир файласуфнинг эшаги иккита бир хил пичан гарамга ўртасига тушиб қолиб, ёйишни қайси биридан бошлашнинг мантикий боисини тополмай, очдан ўлган экан. Тижвикнинг ишини кўриб чиқишда мен ҳам шунга ўхшаш вазиятга тушиб қолдим, — дея инспектор Хамблби маъноли нигоҳини Жервас Фэнга қаратди.

— Балки, — яна қўшиб кўйдим у, — айтганларим сизга эриш туюлаётгандир?..

— Нега энди?

— Чунки далиллар кўплигига қарамасдан шу тобда уларнинг қайси бирига ишонини ҳам билмайман. Фақат қотиллик талончилик мақсадида ёки қасддан уюштирилганлиги аниқ — масаланинг моҳияти ҳам шунда. Суриштирувни бошлаганимиздан сўнг, шубҳасиз, вақти келиб тарозининг палласи бир томонга оғиши тайин. Бироқ ишни айнан нимадан бошлашни билганимизда, қимматли вақтимизни беҳуда сарфламаган бўлардик. Сиз, эҳтимол, газеталар орқали воқеалар тафсилотидан бохабардирсиз?

— Қисман, — жавоб берди суҳбатдоши. — Билишимча, жаноб Тижвик кекса, бадавлат киши бўлган, кеча кечки пайт уни ўз уйида ўлдириб кетишган. Яна мухбирларнинг ёзишларича, у ҳар хил найранглар ишқибози сифатида танишлари ичида машҳур экан.

— Бахтга қарши шундай, — дея унинг гапини маъқулади Хамблби. — Менимча, у жуда нодон ва галати қиликчи одам эди. Унинг айнан мана шу тентаклиги ҳаммасини чалқштириб юборди... У ҳақиқатан ҳам катта ўғли Харолд билан телефонда суҳбатлашаётганида ўлдирилганимкин ёки бу унинг навбатдаги аҳмоқона ҳазилимикин?

Харолд — ишлари раво кетаётган ёш тадбиркор, соф виждонли инсон. Унинг укаси Мортимер ҳам ҳақиқий жентелмен, олим — у физика билан шуғулланади. Отанинг сон-саноксиз кўчмас мулклари ва бойликлари энди ака-укалар ўртасида баб-баравар тақсимланади. Аниқлаб билдикми, ҳозирда бу икковлондан фақат Мортимернинг моддий аҳоли тангроқ. Унинг доимий даромади йўқ деса ҳам бўлади, шу боис мен уни шубҳа остидаги биринчи рақамли одам сифатида белгилаб қўяман.

— Яна бир шубҳа остидаги одам, агар адашмасам, ҳозирча қимлиги номаълум талончи бўлса керак, шундайми?

— Худди шундай, гапингизда жон бор. Харолд эса гумонлардан холи. Негалигини кейинроқ билиб оласиз. Энди ижозатингиз билан жиноят тафсилотларига тўхталиб ўтам.

Кеча кечки соат ўнда Харолд Тижвика отаси кўнғироқ қилган. Бир дақиқалар чамаси у ёқ-бу ёқдан гаплашишганидан



кейин тўсатдан жаноб Тижвикнинг жон ҳолатда қичқиргани, "мени ўлдиришмоқчи" деб бақиргани, қуролдан ўқ узилгани ва ниманингдир тарақлагани, афтидан телефон гўшаги унинг қўлидан тушиб кетган бўлса керак, эшитилган.

Кейин оғир сукунат чўқади.

Харолднинг ўрнида беокимбат, лоқайдроқ одам бўлганида-ку, отасининг табиатини билгани учун бунга шунчаки қўл силтаб қўя қолган бўларди. У эса хунуби ошиб, кўп ўйлаб ўтирмай Мортимерга кўнғироқ қилган ва бориб отасига нима бўлганлигини билиб келишини сўраган.

— Нега энди, — деди Жервас Фэн, — Харолднинг ўзи...

— Унинг меҳмонлари бўлган, — дея унинг гапини бўлди Хамблби. — Ҳа, дарвоқе, бу унинг фойдасига хизмат қилади. У меҳмондорчилик чоғида ҳеч қаёққа чиқмаган. Мортимер ҳам аввалига акасининг айтганларига ишонмаган ва бориши истамаган, аммо охири оқибат рози бўлган. Отасининг уйига соат 10дан 15 дақиқа ўтганда етиб бориб, у нимага гувоҳ бўлганини яхши биласиз. Қариянинг жонсиз танаси полда чўзилиб ётар, телефон гўшаги осилиб қолган, пастда тўппонча ётарди.

— Нима бўлганда ҳам, — деди Хамблби шу гапига алоҳида ургу бериб, — унинг айтишича шундай бўлган. Мортимер кўчадаги телефон-авто-

матдан чақиртирган, орадан йигирма дақиқа ўтиб етиб келган полициячи ҳам бунга тасдиқлайди. Аммо Мортимер отасининг уйига ёлғиз ўзи келгани учун, ишонч билан айтиш...

— Кечирасиз, — Жервас Фэн унинг гапини бўлди. — У уйга қандай киргани аниқми?

— Орқа эшикдан. Уша кунни кечкурун хизматкор кинога кетгани учун унинг қайтганига қадар эшик ичкаридан қулфланмаган. На бармоқ излари, на бошқа аломатлар топилди. Хуллас, ҳар қандай одам уйга билдирмасдан кириб олиши мумкин эди... Бу эса бизнинг бор-йўғи икки хил хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Биринчидан, отасининг Харолдга кўнғироқ қилиши ҳеч қанақанги аҳмоқона ҳазил бўлмаган ва чиндан ҳам соат ўндан чамаси бир дақиқа ўтганда уни ўлдиришган. У ҳолда Мортимерни ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин, чунки бу пайт, аввалроқ айтганимдек, у ўз уйида эди. Иккинчидан, бу қариянинг шунчаки одатдаги ҳазилларидан эди. Мортимер бўлса "темирни қизигида босиш" учун акаси билан бўлган телефон суҳбатидан фойдаланиб қолиш истагида соат ўндан ўн беш дақиқа ўтганда отасининг уйига борган ва машҳур жиноятни амалга оширган.

— Аммо сиз учинчи эҳтимолни ҳам назардан қочирманг, — деди Фэн. — Ҳақиқатан ҳам

кўнғироқ ҳазил тариқасида қилингандир, аммо шунга қарамасдан, сиз айтган пайтда қотилликни Мортимер эмас, балки бошқа биров амалга оширган бўлиши ҳам мумкин-ку?

Хамблби бошини чайқади.

— Йўқ. Бундай бўлиши мумкинмас. Биласизми, жаноб Тижвик ва унинг қўшнилари уртада бор-йўғи унча қалин бўлмаган девор ажратиб туради, холос. Қўшнилари — кекса эр-хотин кечкурун уйда бўлишган. Уларнинг гувоҳлик беришча, чамаси кечки ўндан бир ёки икки дақиқалар ўтганда фақат бир марта ўқ овозини эшитишган. Ва эҳтимол...

— Нахотки бу уларни бефарқ қолдирган?

— Улар бу қўшнингнинг одатдаги найрангларидан бири деб ўйлашган. Фақат ундангина бунанаканги қилиқларни кутиш мумкин эди.

— Тушунарли. Бу "Бўрини кўряпман, кутқаринлар" деб доим одамларни лақиллатиб юрган эртақ қахрамонини ёдига туширди. Ҳолбуки, ростдан ҳам бўри чангалига тушганида ҳеч ким унга ишонмаган... Айтишчи, қўшнилари ўқ овозини фақат бир марта эшитишган бўлса, унда қотил ким — нахотки Мортимер?..

— Шошманг-шошманг, гапини охиригача етказишга имкон беринг. Хамма гап шундаки, соат тахминан ўндан ўн дақиқалар ўтганда қўшнилари бир мuddатга шу яқиндаги қахвахонага чиқшган. Шунинг учун ўқ овозини эшитишмаган бўлса ажабмас.

Йўқ, қотиллик ё соат ўндан бир дақиқалар ўтганда номаълум киши томонидан содир этилган ёки бу — орадан чорак соат ўтиб етиб келган Мортимернинг иши. Жин урсин, агар буларнинг қайси бири тўғри эканлигини билганимда эди.

Орага жимлик чўқди. Кутил-

маганда Жервас Фэн:

— Қотил фақат Мортимер бўлиши мумкин, — деди.

— Шундай денг, асосларингиз борми?

— Фақат сиздан эшитганларим асосида шу тўхтама келдим. Менимча, фикримга қўшилсангиз ҳам керак, ахир оддий ўғри... — Фэн йўталиб олди. — Ҳўш, бирон нарса ўғирланганимикин?

— Ҳа, бироқ талончиликни Мортимер шунчаки изни йўқотиш ниятида қилган бўлиши мумкин. Полициячилар етиб келгунига қадар унда вақт етарли эди.

— Жуда соз. Унда оддий талончи қотилликка қўл уриб, пастда ётган телефон гўшагини жойига қўйиб кетиши мумкинлиги тўғрисидаги фикримга сиз ҳам қўшилсангиз керак. Бироқ гўшаки яна жойидан олиб, аввалги ҳолатда ташлаб кетишга қотилни нима мажбур қилган экан?

Фақат Мортимер, агарда айбдор бўлса, шундай қилган бўларди. Мабодо жаноб Тижвик ўғли Харолд билан шунчаки ҳазиллашган бўлганида, гўшаки, худди ўғли сингари, жойига қайтариб қўйган бўларди. Мортимер қотиллик телефон суҳбати чоғида, яъни соат ўндан бир дақиқа ўтганда юз берган, деган таассурот қолдириш учун шундай қилгани аниқ.

Шунингдек, у бу орада отасининг сохта ўқлар жойланган тўппончасини ҳам қайгадир гум қилишга улгурган. Маслаҳатим, Хамблби, тафтишни тезроқ бошлаганингиз маъқул...

— Албатта, далилларингиз асосли, — дея инспектор унинг гапини маъқулади. — Агарда отаси тўнғич ўғли билан ростдан ҳам ҳазиллашган бўлса, унда Мортимер тумшугидан илиниши турган гап. Фақат бир нарсани тушуна олмаяман. Майли, гўшаки аввал жойига қўйиб, кейин олдинги ҳолатда қолдиришган, бунда Мортимернинг қўли бор ва бунга ишондим ҳам дейлик. Аммо сиз нега айнан шундай бўлган деб ўйлайсиз? Балки гўшақ ўн беш дақиқа давомида шу ҳолатда ётгандир? Ҳўш, сизнинг ҳақлигинизни нима билан исботлаймиз?

— Ҳамма гап бизнинг автومات телефонга тизимимизда, — деди жавобан Жервас Фэн. — Қўйсангиз-чи, Хамблби, нахотки тушунмаётган бўлсангиз? Кўрмаясизми, соат ўндан чорак дақиқа ўтганда — Тижвик ўғлига кўнғироқ қилган пайтдан бошлаб гўшақ жойида бўлмаганида эди, Харолд на Мортимерга, на бошқасига телефон қила олган бўларди. Ахир, сиз ҳам суҳбатлашиб бўлган гўшаки жойига қўйма-сангиз, суҳбатдошингизни "банд" қилиб қўясиз-ку.

Харолднинг укасига телефонда боғлана олганлиги жаноб Тижвикнинг гўшакини ўз қўли билан жойига қўйганидан ва бошқа биров эса полиция амин бўлиши учун уни олдиндан полга ташлаб қўйганидан далолат беради. Бу нарса ҳеч қайси бир талончининг етти ухлаб ҳам тушига кирмагани учун якуний тўхтама келиш қийин бўлмади.

Гувоҳи бўлганингиздек, ҳаммаси жўн, ва ўйлашимча, қотилни аниқлашга шунинг ўзи кифоа қилади.

Русчадан Собит АҲАДОВ таржимаси

Эдмунд КРИСПИН — англиялик таниқли детектив укаси Роберт Брюс Монтгомери (1922–1978)нинг адабий таҳаллуси. У коллежнинг бакалаврлик даражасини олганидан сўнг дастлаб мактабда ўқитувчилик қилган. Шу билан бирга истеъдодли созанда ҳам эди.

Унда детектив асарлар бўлишига иштиёқ Ж.Каррнинг "Қийишқ сиртмоқ" романи мутолаасидан сўнг пайдо бўлди. 1944 йили "Голланз" нашриёти унинг биринчи романи — "Зарҳал пашша" асарини чоп этди. Айнан ушбу асар қахрамони — Оксфорд университети профессори Жервас Фэн кейинги ёзилажак асарларнинг ҳам дэвийи персонажига айланди.

40-50-йилларда Кристининг 9та романи, кўплаб ҳикоялари чоп этилди. Аммо 1953 йилдан бошлаб 25 йил давомида у бирорта ҳам асар ёзмади. Аниқроқ айтганда, унинг спиртли ичимликларга ружу қўйиши бунга имкон бермади.

Улимадан сал олдин Кристин "Ой шуъласи" номли сўнги романини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилди.

SPORT, SPORT, SPORT

PROFI-BOKS

**МАЙК ТАЙСОН
ТЕМУРГА
СЕКУНДАНТЛИК
КИЛАДИ**

Шу йилнинг 24 феврал кuni ўзининг навбатдаги жангини ўтказадиган хамюртимиз Темур Иброхимовга собик жаҳон чемпиони, афсонавий Майк Тайсон секундантлик қилади. Бу ҳақда Иброхимовнинг мураббийи Панама Люис маълум қилган.



Эътиборлиси

шундаки, Тайсон секундант сифатида илк бор рингга кўтарилади. Уша кuni Темур Иброхимовга қарши рингга чиқади-ган Томас Хэйес эса Майкнинг собик устози Кевин Руни қўл остида машғулот олиб боради.

Эслатиб ўта-миз, Темур Иброхимов шу вақтга қадар 21 марта жанг ўтказган. Шундан бир маротаба дуранг қайд этилган, 20 ғалабанинг 12таси нокаут билан яқунланган. Унинг рақиб-и америкалик Томас Хэйес 23 бор рингга кўтарилган: 22 ғалаба (15 нокаут), 1 мағлубият.

FUTBOL

**ОСИЁ КУБОГИ САРАЛАШ
ТУРНИРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ**

4 январь кuni Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича Осиё Кубоги саралаш турнирига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи саватчадан ўрин олган, шунинг учун бизга энг ноқулай ҳисобланган Япония, Эрон, Баҳрайн каби жамоалар билан бир гуруҳда тушмаслигимиз аниқ эди. Лекин Корея Республикаси, БАА ва Австралия терма жамоалари билан бир гуруҳни ташкил этишимиз ҳам мумкин эди. Бирок, доимгидек, қуръа ташлаш маросими биз кутганимиздан ҳам аъло даражада бўлди. «F» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси саралаш баҳсларида Қатар, Гонконг ва Бангладеш терма жамоалари билан финал босқичи йўлланмаси учун кураш олиб боради. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар 2007 йили Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам мамлакатларида ўтадиган Осиё Кубоги уйинларида иштирок этади.

Қолган гуруҳларни ҳам таништириб ўта-миз:

«Осиё Кубоги – 2007» ташкилий қўмитаси томонидан чиқарилган қарорга қўра, саралаш турнири иштирокчилари 2006 йилнинг 31 январига қадар 40 нафаргача футболчи номини ОФКга тақдим этиши зарур. Финал босқичида эса 22 футболчи иштирок этиши мумкин. Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган терма жамоалар саралаш турниридаги баъзи учрашувларни бошқа муддатга ўзгартириш ҳуқуқига эга. Шри-Ланка терма жамоаси кутилмаганда Осиё Кубоги саралаш турнирида қатнашишдан бош тортганлиги сабабли, унинг ўринини Покистон терма жамоаси эгаллайдиган бўлди.

Шу кuni Осиё футбол конфедерацияси Осиё Кубоги эмблемасининг тақдирини ҳам ўтказди.

Юқорида терма жамоамизга хар томонлама омад кулиб боққанлигини айтиб ўтгандик. Бунинг уйинларини ўтказиш тартибида ҳам кўриш мумкин. Терма жамоамиз илк учрашувни ўз майдонида гуруҳнинг энг кучсиз жамоаси Бангладешни қабул қилса, сўнгги турда асосий рақиб – Қатар билан ҳам Тошкентда баҳс олиб боради.

А

| | |
|---|-------------------|
| 1 | Япония |
| 2 | Саудия Арабистони |
| 3 | Яман |
| 4 | Ҳиндистон |

В

| | |
|---|--------------------|
| 1 | Эрон |
| 2 | Корея Республикаси |
| 3 | Сурия |
| 4 | Хитой Тайпейи |

С

| | |
|---|----------|
| 1 | Иордания |
| 2 | Уммон |
| 3 | БАА |
| 4 | Покистон |

Д

| | |
|---|-----------|
| 1 | Баҳрайн |
| 2 | Қувайт |
| 3 | Ливан |
| 4 | Австралия |

Е

| | |
|---|----------|
| 1 | Хитой |
| 2 | Ироқ |
| 3 | Сингапур |
| 4 | Фаластин |

Ғ

| | |
|---|------------|
| 1 | Ўзбекистон |
| 2 | Қатар |
| 3 | Гонконг |
| 4 | Бангладеш |

| Сана | Ўзбекистон | Бангладеш |
|-----------------------|------------|------------|
| 22/02/2006 (Чоршанба) | Гонконг | Қатар |
| 1/03/2006 (Чоршанба) | Бангладеш | Гонконг |
| | Қатар | Ўзбекистон |
| 16/08/2006 (Чоршанба) | Бангладеш | Қатар |
| | Ўзбекистон | Гонконг |
| 6/09/2006 (Чоршанба) | Қатар | Бангладеш |
| | Гонконг | Ўзбекистон |
| 11/10/2006 (Чоршанба) | Бангладеш | Ўзбекистон |
| | Қатар | Гонконг |
| 15/11/2006 (Чоршанба) | Ўзбекистон | Қатар |
| | Гонконг | Бангладеш |

Кўриб турганимиздек, биринчи учрашувга бор-йўғи бир ярим ой вақт қолди. Аини пайтда Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоага муносиб бош мураббий қидириш билан банд. УФФ матбуот хизматининг маълум қилишича, бош мураббий номи МДХ Кубоги баҳслари яқунланганидан сўнг маълум бўлади. «Пахтакор» жамоаси иштирок этадиган МДХ Кубоги баҳслари 13-25 январь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтади.

Лутфилло ТУРСУНОВ txabar@mail.uz

SHIFOBAXSH NE'MATLAR

**Бодомнинг
ХОСИЯТИ**

Бодом эраמידан 400 йил муқаддам ҳам Фарбий Осиё ва Юнонистонда лаззатлиги ва тўйимлиги учун кўп экилган. Сўнгра Урта Ер денгизи бўйлаб тарқалган. Аини пайтда у Европа, Осиё, Африка мамлакатларида экилади. Аиниқса Испания, Италия, Эрон, Фаластин ва Марокашда кўп етиштирилмоқда. Эрон ва Туркиянинг айрим ҳудудларида бодом маҳаллий аҳолининг асосий озиғи ҳисобланади. Бизда ҳам у дастурхонимиз кўриқдир.

Бодом мағзи озиқлиги ва бошқа хусусиятлари билан қандолатчилик, упа-элик тайёрлаш ҳамда халқ табибатида жуда қадрланади. Мағзининг таркибида ёғ, қанд, оксил, пентозан, гликозид, амиладин ҳамда фермент бор. Аччиқ бодомда кўпроқ амиладин, гликозид, глюкоза ва сахароза мавжуд. Бодом қадим замонлардан буюн халқ табибатида турли хасталикларга даво сифатида ишлатилиб келинмоқда. Абу Али ибн Сино бодом ҳақида қуйидагича ёзган: «Аччиқ бодом озиқ эмас, фақат доридир. Ширин бодом эса яхши озиқлантиради. Бодом ёғи бодомнинг ўзига қараганда енгилроқ бўлади. Аччиқ бодом сепкил, нуктали қонтолаш излар ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади, илдири қайнатилса, сепкилга қарши кучли воситадир. Ширин бодом семиртиради ва кўриш қувватини оширади. Қутурган ит қопганда фойда қилади...»

Бодом билан асал аралашмасини яралар ва учуққа, сирка ва шароб билан аралашмасини эса темир-раккага суриш мумкин. У қулоқ оғриши ва гувиллашига даводир. Дарахти илдизини туйиб, сирка ёки гул ёғи билан қўшиб пешонага боғланса, бош оғриғига шифо бўлади. Аччиқ бодом крахмал билан бирга қўшиб ишлатилганда қон туфлашга, чўзма йўтал, астмага яхши наф келтиради. Бодом жигар ва талокдаги тикилмаларни очади. Унинг янги меваси пўстлоғи билан ейилса, меъдани намликдан халос этади. Шакар билан ейилса тез хазм бўлади. Аччиқ бодом буйракдаги тикилмаларни, унинг ёғи буйракни ва қовуқни тозалайди. Бачадон оғриқларига, пешобнинг қийинлашишига, буйракдаги оғриқларга яхши фойда беради. Ширин бодом қуланжга даводир.

Америкалик олимларнинг маълумотларига қўра, бодом уни қанд касаллиги, болалардаги эпилепсия ва ошқозон касалликларини даволашда муҳим парҳез таомлардан бири ҳисобланади.

Ўтганларнинг охири ошад бўлсин

«Ўзбектелеком» АК жамоаси «Шаҳарларароқурилиш» ЭТАЖ бошлиғи Олег Башқурирнинг онаси

Жанетта БАШКУРИНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг почта технологиялари ва хизматлари бўлими етакчи мутахассиси Гулчехра Алимоевага падари бузруквори

МИРОБИТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|--|---|--|--|--|--|---------------------------|---------------------------|----------------------------|--------------------------|-----------------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|---------------------------|-------------------------|
| <p>МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</p> <p>Бош муҳаррир: Орифжон МУХАММАДЖОНОВ</p> | <p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КУБЕЕВ Шомансур ОБИДУҲАЕВ Миродил САНГҲЛОВ Рашидбек СУЛҲИМОНОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (маъсул котиб) Асқаджон ХУҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Соҳибжон ҚОСИМОВ</p> | <p>Тахрирнинг келган қўлма ва суратлар эъланларига қабул қилинмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикридан фарқлашиши мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлигини кўрсатиш-ни шарт. Тахрирнинг материали — Реклама матнларининг тўричилигини тахрирнинг жавобгар эмас. Рақам ва дадаларининг ҳаққонийлиги учун мақоли муаллифи масъулдир. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> <p>Маънавийлик: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz</p> | <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p> | <p>356-6 сонли буюртма. Офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 10390 нуқса.</p> | | | | | | | | | | | |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.</p> | | <p>Газета тахрирнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.</p> | <p>Саҳифаловчи: А. БҮРИЕВ.</p> | <p>Мати терувчи: Д. МАТҚУРБОНОВА.</p> | | | | | | | | | | |
| <p>Жамоатчи муҳбирларимиз:</p> | | <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилган вақти — 20.00.</p> | <p>Андижонда 46-47-80</p> | <p>Бухорода 226-22-14</p> | <p>Гулистонда 40-12-19</p> | <p>Жиззахда 226-26-96</p> | <p>Навоийда 222-56-30</p> | <p>Наманганда 26-61-85</p> | <p>Нукусда 222-14-63</p> | <p>Самарқандда 34-06-71</p> | <p>Термизда 224-06-12</p> | <p>Тошкентда 133-36-48</p> | <p>Урганчда 226-43-13</p> | <p>Фарғонада 26-92-03</p> | <p>Қаршида 21-00-14</p> |



O'ZBEKTELEKOM



2006



| | YANVAR/JANUARY | FEVRAL/FEBRUARY | MART/MARCH | APREL/APRIL | MAY/MAY | IYUN/JUNE | |
|----|----------------|-----------------|-------------------|----------------|-----------------|-----------------|-----|
| Du | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | Mo |
| Se | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | Tu |
| Ch | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | We |
| Pa | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | Thu |
| Ju | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | Fr |
| Sh | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | Sa |
| Ya | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | Su |
| | IYUL/JULY | AVGUST/AUGUST | SENTABR/SEPTEMBER | OKTABR/OCTOBER | NOYABR/NOVEMBER | DEKABR/DECEMBER | |
| Du | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | Mo |
| Se | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | Tu |
| Ch | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | We |
| Pa | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | Thu |
| Ju | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | Fr |
| Sh | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | Sa |
| Ya | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | Su |

BIZ MULOQOT YARATAMIZ